Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 144 (5435).
28 ИЮНЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш 1984 йил январь-июнь ойлари планини муддатидан аввал — 27 июнда бажардилар.

Нефть қазиб чиқариш, машинасозликнинг бир қанча турдаги маҳсулотлари, чинни-фаянс идишлар, шойи газлама ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш январь-июнь ойлари плани ошириб бажарилиши кутилмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Сурхондарё область партия комитетининг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида қишлоқдаги агитация-оммавий ишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қишлоқ меҳнатчилари ўртасидаги сиёсий агитация қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги йўлларини қидириш билан узвий равишда боғлаб олиб борилмоқда. Кейинги йилларда областнинг барча колхоз ва совхозларида 3 мингтадан кўпроқ хўжалик ҳисобидаги пудратчи бригада ва звено ташкил этилган. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини анча ошириш билан бирга одамларни ишга омилкорлик билан қараш, замонавий иқтисодий фикрлаш, янгиликка интилиш, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялашнинг таъсирчан воситаси ҳам бўлиб қолди. Коллектив пудратни ривожлантиришни таъминлаш соҳасидаги агитация-оммавий иш бригадаларга ердан, техникадан яхшироқ фойдаланишга ёрдам бермоқда, кўзбўямачиликка, ошириб ёзишга ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши курашишга кўмаклашмоқда. Марказий Комитет Бюроси қишлоқдаги тарбиявий ишларнинг услуби ва методларини доимо такомиллаштириш, идеология кадрларининг масъулиятини ошириш, маданий-маиший комплексларга кўпроқ таяниш, агитациянинг атеистик йўналишини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Санъат олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинди. Республиканинг бир қанча министрликлари ва идораларига маданият ва санъат муассасаларини 1995 йилгача бўлган даврда ривожлантиришни эътиборга олиб, санъаткор кадрлар тайёрлашга доир комплекс тадбирлар планини амалга ошириш топширилди. Ўқув юртларининг моддий-техникавий базасини янада мустаҳкамлаш, дарс беришни яхшилаш, зарур адабиётларни нашр этиш, ўқув фильмлари яратиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш юзасидан биринчи галдаги ташкилий-сиёсий ва пропаганда тадбирлари плани тасдиқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликнинг бошқа баъзи масалаларини кўриб чиқди, шу масалалар юзасидан қарорлар қабул этилди.

ЗАФАРЛАРИМИЗ — ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА

Юксак кўрсаткич

БУГУН

● ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

Ярим йиллик план тайёр!

Ўзбекистон пойтахтининг меҳнат коллективлари саноат маҳсулотларини реализация қилиш ва халқ хўжалиги буюмларининг асосий турларини ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик давлат планини адо этдилар. Шаҳарнинг Киров, Ҳамза, Акмал Икромов ва Чилонзор районлари биринчилардан бўлиб январь — июнь ойларининг топшириғи муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. В. П. Чкалов номли авиация, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи», «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Малика» трикотаж бирлашмаси, «Қизил тонг», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмалари, «Ташсельмаш», агрегат заводларининг коллективлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юксак суръатлар билан ўсишини таъминлаб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Ой охирига қадар мамлакат ва республика халқ хўжалигига пландан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, приборсозлик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил ва маҳаллий саноат маҳсулотлари етказиб бериладн.

Тошкентнинг ишлаб чиқариш коллективлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, беш йиллигининг тўртинчи йили халқ хўжалиги планларини муваффақиятли бажариш учун курашни кучайтирмоқдалар, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа таъсирчанлигини оширмоқдалар.





МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ўз ихтисослигининг сир-асрорларини яхши билиш, иш вақтининг ҳар дақиқаеидан унумли фойдаланиш Тошкент трактор заводининг станокчиси Р. Абдурасуловага энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш имконини бермоқда. Комсомол аъзоси Р. Абдурасулова смена топшириқларини мунтазам 120—130 процент бажаряпти.

Худди шу фазилатлар «Компрессор» заводининг коммунистик меҳнат зарбдори М. Сулаймонов раҳбарлик қилаётган йиғувчи-слесарлар комсомол-ёшлар бригадасига ҳам хосдир. Ушбу коллектив смена топшириқларини мунтазам 15—20 процент ортиғи билан адо этаяпти.

СУРАТЛАРДА: Р. Абдурасулова; бригада бошлиғи М. Сулаймонов.

М. Нуриддинов фотолари.

Доҳий тўғрисидаги хотиралар

В. И. Ленининг ҳаёти ва фаолиятига жуда кўп илмий ва бадиий адабиёт бағишланган. Доҳий замондошлари, шогирдлари ва сафдошларининг эсдаликлари ленинизмни, Ленин таржимаи ҳолини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Китобхонларнинг кўпдан-кўп илтимосларига биноан сиёсий адабиёт нашриёти революция доҳийси тўғрисидаги хотираларнинг учинчи беш томлик нашрини чиқаради. Китобхонлар ўз хатларида Коммунистик партиянинг идеологик, тарбиявий ишида В. И. Ленин тўғрисидаги хотиралар муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидламоқдалар.

Китобнинг биринчи томи босилиб чиқди. Унда Владимир Ильичнинг қариндошлари — Анна Ильинична, Мария Ильинична ва Дмитрий Ильич Ульяновларнинг, Надежда Константиновна Крупскаянинг хотиралари берилган. Уларнинг хотираларидаги кўпдан кўп фактик маълумотлар, жонли тафсилотлар В. И. Ленин образини ёркин ифодалайди.

(ТАСС).

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий кенгаши» тўплами босилиб чиқди. Тўпламга 12—14 июнь кунлари Москвада бўлиб ўтган ана шу кенгашнинг ҳужжатлари ва материаллари киритилган.

Кенгаш қатнашчилари шарафига Кремлдаги қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельскийнинг нутқлари, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Баёнот, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг «Тинчликни сақлаш ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик» Декларацияси, бошқа ҳужжатлар эълон қилинган.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

(ТАСС).

Олимлар — қишлоқ хўжалигига

ЯНГИ УНИВЕРСАЛ МЕХАНИЗМ

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти яратган гербицидлар соладиган мослама пахта майдонларида бегона ўтларга қарши кураш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Мосламанинг асосий хусусияти— унинг универсаллигидадир. Янги механизмни сеялкаларга ҳам, культиваторларга ҳам ўрнатиш мумкин. Бу эса гербицидларни чигит экиш вақтидагина эмас, шу билан бирга ғўзаларнинг ўсиш даврида ҳам солиш ва шу тариқа бегона ўтларни йўқ қилиб ташлашнинг илғор технологиясини жорий этиш имконини ҳам беради.

Мосламанинг муҳим афзаллиги шундаки, ундан 60 ва 90 сантиметр кенгликдаги ғўза қатор ораларида ҳам фойдаланиш мумкин. Мослама ишнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди, химиявий препаратлардан оқилона фойдаланиш имконини яратади. Ўтказилган синовлар шуни кўрсатадики, мосламадан ғўза культивацияси вақтида фойдаланиш хўжаликларга ғўза қатор ораларини қўл билан ўтоқ қилишдан воз кечишга кўмаклашади, меҳнат сарфини 4—6 баравар камайтиради.

Бу йил культиваторларга ўрнатилган янги мосламалардан республикада олти минг гектар пахта майдонида фойдаланиш мўлжалланмоқда. Шундан кейинги йилларда шу мосламалар янада кенг майдонларда қўлланилади.

(ЎзТАГ).

ЭРТАГА — ЯГОНА СИЁСИЙ КУН

Эртага саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, фан, маданият, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларида ягона сиёсий кун бўлиб ўтади. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент район партия комитетларининг сиёсий докладчилари ва лекторлари «Ҳар бир иш жойида юксак уюшқоқлик ва интизом учун» мавзуида меҳнат коллективлари ҳузурида сўзга чиқадилар.

Улар КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар асосида шаҳар меҳнат коллективларида ва аҳоли турар жойларида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш бўйича шаҳар партия ташкилоти фаолиятн тўғрисида меҳнаткашларнинг саволларига жавоб берадилар.

Сиёсий докладчилар ва лекторларга ёрдам тариқасидаги материаллар газетамизнинг 2-саҳифасида ёритилмоқда.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Электробитприбор» заводида янги йўнувчи автоматик линия ишга туширилди. У меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот сифатини ва меҳнат шароитини яхшилайди.

Ҳозирда корхонада бир қатор янгиликларни тадбиқ этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг кўпгина қисми аҳоли кенг истеъмол буюмларини тайёрлашга мўлжалланган.

●

«Дўстлик» уй-жой комплексида жойлашган Куйбишев район кутубхонасида Китобсеварлар жамияти ва Композиторлар союзи ташаббуси билан республикамиз юбилейига бағишлаб ижодий учрашув бўлади. Китобсеварлар ҳузурига республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Дилором Сайдаминова, композитор В. Милов, шунингдек ҳушовоз эстрада хонандалари меҳмон бўлиб боришади.

●

Республика Архитекторлар союзининг кўргазмалар залида СССР Рассомлар союзининг аъзоси Вансетта хоним Қориёқубова асарлари кўргазмаси очилди. Республика Театр жамияти томонидан уюштирилган кўргазмада рассомнинг рангтасвир ва театр асарларига ишлаган картиналари намойиш этилмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 19— 24, кундузи 33—38 даража иссиқ бўлади.

«Тонгги газеталарда»

● 27 июнь куни Катта Осмоль саройида ҳарбий академияларни битириб чиққанлар шарафига СССР Мудофаа министрлиги қабул маросими уюштирди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети ҳайъатининг котибияти раиси, армия генерали В. М. Чебриков, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, ҳарбий бошлиқлар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлганлар самимий кутиб олган Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов нутқ сўзлади.

● КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси раҳбар партия ва совет кадрлари малакасини ошириш институтида министрликлар ва идоралар партия комитетлари секретарларининг ўқиши тугади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ С. Ш. ҚУРБОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР НАШРИЁТ, ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Собир Шералиевич Қурбонов Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 27 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ В. П. ШЧЕГЛОВнн ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада астрономия фанини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-математика фанлари бўлимининг академик-секретари ўртоқ Владимир Петрович **Шчеглов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил 27 июнь.

«Динамо» (Мн) — «Пахтакор» — 1:0

Қача футбол бўйича мамлакат биринчилигининг навбатдаги турида «Пахтакор» Минск шаҳар маҳаллий динамочилар билан куч синашди. Майдон эгалари кирган ягона тўп уларга тегишли ягона ва ғалаба натижа.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қайрат»— «Нефтчи» — 2:0, «Торпедо» —«Динамо» (Тбилиси)—1:0, «Зенит» —«Спартак» —0:2, «Жальгирис» — «Динамо» (Москва) —1:0, АСК —«Днепр» —0:0, «Динамо» (Киев) — «Металлист»— 4:0, «Черноморец»— «Шахтёр»— 1:2, «Арарат» —МАСК—2:0.

● Фотоахборот

ИЛК ИХТИРО ҚУВОНЧИ

Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексининг катта залида республика ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг техник ва бадиий ижодиёт кўргазмаси очилди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган бу кўргазмада Тошкент шаҳри ва республикамиз барча областларининг намояндалари ўз экспонатлари билан қатнашмоқдалар. Улкан зал халқ хўжалик ютуқлари виставкасини эслатади. Бир йўла билим ва ҳунар эгаллаётган ёшлар ўйлаб топган, ясаган, ижод қилган турли-туман буюмлар, ҳаракатланувчи макет ва стендлар халқ хўжалигимиз тармоқлари бўйича тартиби билан жойлаштирилган. Техник ва бадиий ижодиёт оламига дадил кириб бораётган, рационализаторлик ва ихтирочиликнинг илк завқи билан ошно талабаларнинг ўзига хос ҳисоботига айланган кўргазмада 250 дан ортиқ экспонат намойиш қилинмоқда.

«Транспорт ва алоқа» бўлимидаги икки кишилик енгил машина кўпчилигининг диққатини тортмоқда. Уни каттақўрғонлик болалар — 32-ўрта ҳунар-техника билим юрти талабалари Ж. Халилов (автослесарь), А. Бобоев (токарь), Ҳ. Йўлдошев (пайвандловчи) ва бошқалар математика ўқитувчиси, тўгарак раҳбари Д. Қодиров бошчилигида ясашган. Машина «ИЖ-Планета» мотоциклининг 350 куб сантиметрли двигатели билан ишлайди, соатига етмиш километргача тезликда йўл босади.



СУРАТДА: Даврон Қодиров шогирдлари ясаган машинани синаб кўрмоқда.

Т. Каримов фотоси.

ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК ВА ИНТИЗОМ УЧУН

(СИЁСИЙ ДОКЛАДЧИЛАР ВА ЛЕКТОРЛАРГА ЁРДАМ)

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили биринчи ярми якунланмоқда. Партия ва халқнинг асосий эътибори экономиканы интенсив ривожлантириш проблемаларини тезда ҳал этиш ва шу асосда совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга қаратилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек, бундай шароитда партия хўжалик механизмининг барча бўғинларида юксак уюшқоқликка, ишда масъулият ва ғайратни кучайтиришга, меҳнаткашлар ташаббуси ва ижодини кенг қўлоч ёйдиришга, уларнинг жамоат ҳаётида активроқ иштирок этишини таъминлашга интилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми коммунистларни, республиканинг барча меҳнаткашларини ана шу вазифаларни бажаришга сафарбар этади. Унда партия ташкилотларининг экономика ва маданиятни ривожлантириш, уюшқоқликни юксалтириш, ҳар бир иш жойида интизом ва тартибни мустаҳкамлаш бўйича фаолияти чуқур таҳлил қилинди.

Пленум қарорлари пойтахтнинг меҳнат коллективлари, барча тошкентликлар томонидан қизғин кутиб олинди ва қўллаб-қувватланди. Улар бу қарорларни ҳаётга тадбиқ этиш, Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқдалар.

Совет кишилари партия раҳбарлигида ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг мураккаб кўп планли вазифаларини ҳал этаётган бугунги кунда меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни, давлатни, жамиятни бошқаришдаги фаол иштироки янада муҳим аҳамият касб этади.

Партиянинг мақсади ҳар бир кишида умум манфаати учун виждонан, юксак самарали меҳнат қилиш, топширилган иш учун масъулият ҳиссини тарбиялашдир.

Ўзбекистон ва унинг пойтахти меҳнаткашлари буни яхши тушунадилар. Улар партиянинг халқ фаровонлиги борасидаги ғамхўрлигига зарбдорларча меҳнат билан жавоб бермоқдалар, Республикада 1984 йил ва беш йиллик планларини муваффақиятли адо этиш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда.

Далаларда қизғин иш боряпти. Ватанга 6 миллион тонна «оқ олтин» топшириш Ўзбекистон меҳнаткашларининг интернационал бурчидир.

Январь — май ойларида саноат маҳсулотлари реализация қилиш плани муддатидан олдин — 29 майда бажарилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 347,8 миллион сўмга ёки 4,7 процентга кўпайди.

Тошкент меҳнат коллективлари ҳам ғайрат-шижоат билан ишлаяптилар. Саноат маҳсулотларини реализация қилиш ҳажми бўйича январь — май ойлари планлари 101,6 процентга бажарилди. Меҳнат унумдорлиги бўйича 102,2 процент натижага эришилди. Пландан ташқари деярли 25 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Акмал Икромов районида Тошкент тўқимачилик комбинати филиали фойдаланишга топширилди. Лак-бўёқ заводида янги қувватлар ишга туширилди, каноп фабрикаси реконструкцияси тугалланди. 300 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди. Иўловчилар ва юкларни ташиш ҳажми ҳамда бошқа бир қанча кўрсаткичлар ўсди.

Кўпгина муассаса ва ташкилотлар планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли адо этдилар, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процентга ўстириш ва маҳсулот таннархини ярим процентга пасайтиришга эришдилар. Шу билан бирга ҳали ҳамма жойда ҳам ички резервлардан фойдаланишни ўрганишгани йўқ. Шаҳардаги 18 корхона меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича беш ойлик планни бажара олмаганлигига асосий сабаб ҳам шу эмасмикан? Экскаватор заводи, 1-пойафзал фабрикаси, подшипниклар ремонти заводи ва бошқа корхоналар шулар жумласидандир.

Яна бир муҳим проблема меҳнат интизомидир. Кун давомида ва сменалар орасида бекор туриб қолиш, сабабсиз ёки маъмурият рухсати билан ишга келмаслик ҳоллари тўла бартараф этилган эмас. Фақат ўтган йилнинг ўзида ана шундай ҳоллар туфайли шаҳар бўйича 20 миллион сўмлик зарар кўрилди.

Юқорида санаб ўтилган нуқсонлар туфайли бир қатор муҳим буюм турлари зирҳли кабель, экскаваторлар, кўприк кранлари, ипгазламалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш планлари бажарилмай қолди.

Енгил саноат мавжуд қувватларидан самарали фойдаланиш проблемасига алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Бу соҳада анчагина тажриба тўпланган. Масалан, Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-филиалида қувватларнинг 98,6 процентидан фойдаланиляпти.

Айни пайтда кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ниҳоятда паст. Буюмлар етказиб бериш интизомининг бузилиши ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. 27 процент саноат корхоналари зарурий буюмлар бўйича маҳсулот реализацияси планини бажара олмади. Улар жами 28,6 миллион сўмлик маҳсулотни кам етказиб бердилар.

Маҳсулот таннархини камайтириш бўйича маҳбуриятларнинг бажарилишида ҳам ҳамма иш кўнгилдагидек эмас. Шаҳардаги 27 корхона таннархни 0,5 процентга камайтиришни таъминлай олмади. Санитария-техника жиҳозлари заводи, булка-кондитер комбинати, кўн-мўйна заводи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу ишда энг муҳим резервлардан бири фан ва техника ютуқларини жорий этишдир. Шуни очиқ айтиш керакки, ҳозирча бу резервдан етарли фойдаланилмаяпти. Механизациялашган линияларнинг 50 процентга яқини ва автоматлашган линияларнинг 39 проценти лойиҳадаги унумдорлик даражасида ишлатилмоқда.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини юксалтириш учун барча мавжуд резервлардан ҳам етарли фойдаланилмаяпти. Масалан, қурилишни олиб кўрайлик. Бу ерда аҳвол жуда секинлик билан яхшиланяпти. Беш йилликнинг уч йили мобайнида 335 минг квадрат метр уй-жой кам қурилди, турар жой қурилиши сифати ҳам паст бўлиб қолмоқда. Асосий фондларни ишга тушириш, болалар мактабгача тарбия муассасалари қуриш планлари бажарилмаяпти, тугалланмаган қурилишлар кўпаймоқда. Ҳамон куч ва маблағларни кўпгина объектларга бўлиб юбориш ҳоллари учраб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг февраль ва апрель (1984 йил) Пленумлари қарорларида ишлаб чиқаришда намунали тартиб ва уюшқоқлик ўрнатиш бўйича ишларни кенг авж олдириш, давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб бориш зарурлиги таъкидланган. Фақат онгли интизомгина иш вақтини унумли тақсимлаш ва юксак меҳнат сифатини, маблағ ва материалларни оқилона сарфлашни таъминлайди.

Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таҳлил қилиш меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун курашда маъмурий ва идеологик имкониятлардан тўла фойдаланган ва бунга коммунистлар, барча даражадаги раҳбарлар, меҳнаткашларнинг кучқувватини сафарбар этган коллективларгина муваффақият қозонаётганлигидан далолат беради.

Интизомни мустаҳкамлаш бўйича ишлардаги муҳим йўналиш— юксак унумли меҳнат учун шароит яратишдир. Шу маънода илғор корхоналар, жумладан, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиабирлашмаси тажрибаси пухта ўрганиш ва кенг ёйишга арзийди. Аммо айрим раҳбарлар участка, цехларни техник жиҳозлаш даражасини юксалтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришга етарли даражада эътибор бермайдилар. Гоҳида эса қимматбаҳо юксак унумли ускунадан самарали фойдаланилмайди. Корхоналарнинг моддий-техник жиҳатдан жиҳозланганлигини юксалтириш, техника ва технологияни такомиллаштириш, жамоат тартиби, социал-маиший хизмат ва уйжой таъминотини ташкил этишни яхшилаш зарур.

Интизом ва уюшқоқликни янада мустаҳкамлаш бўйича фаолиятда социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат учун ҳаракатнинг тарғиботчилик-ташкилий ишларини ҳар бир меҳнат жамоасида, ҳар бир ишчи ва хизматчи билан ишлашга, ҳар бир кишининг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, ҳар бир ишчи ва хизматчининг ўз ишига ижодий ёндашишини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ишга ҳақ тўлашнинг коллектив формаларини жорий этиш катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган масалалар. Бир томондан сифатли, унумли меҳнатга ундайдиган, бошқа томондан ёмон ишлайдиган, ишга лоқайд ва масъулиятсиз муносабатда бўладиганларнинг моддий ва маънавий тақдирланишига таъсир қиладиган иқтисодий ҳамда ташкилий шарт-шароитларни ҳамма жойда яратиш ва оммалаштириш зарур.

Ишнинг муҳим йўналишларидан бири моддий ресурсларни иқтисод қилишга кўмаклашиш, тонналаб металлдан бир килограмм нонгача — барча-барчасида тежамкорликка эришишдир. Хом ашё, материал, ёнилғи, иссиқлик ва электр энергиясини сарфлашда қатъий ҳисоб-китобни ташкил этиш, бу ресурсларни сарфлаш нормаларида тартиб ўрнатиш, исрофгарчиликка қарши аёвсиз кураш олиб бориш ниҳоятда зарур.

Ҳозирги шароитда директордан тортиб то мастергача бўлган ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг роли ва масъулияти айниқса ошиб бормоқда. Хўжалик кадрларининг фаолиятига баҳо беришда партия фақатгина ишлаб чиқариш планларини бажариш кўрсаткичларинигина эмас, балки интизом даражаси, коллективдаги маънавий-сиёсий иқлим, меҳнат ва турмуш шароитларини ҳисобга олиш ҳам зарур деб уқтиради.

Ҳар бир раҳбар одамларнинг кайфиятини ўрганиши ва билиши, танқидга принципиал муносабатда бўлиши, меҳнаткашлар томонидан қўтарилаётган камчиликлар бўйича зарурий тадбирлар белгилаши керак. Гражданларнинг шаҳар партия ва совет органларига келаётган хат ва аризалари бу борада ҳали ҳамма иш ҳам кўнгилдагидек эмаслигидан далолат беради.

Сўз ва шахсий намуна билан ишонтириш одамларни тарбиялашдаги асосий восита бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шу билан бирга меҳнат коллективлари прогулчи, ялқов, қўли эгри кимсаларга нисбатан янада активроқ жамоат таъсири чораларини кўришлари керак. Коллективлар ишчининг ҳам, раҳбарнинг ҳам меҳнатга лоқайд, юзаки муносабати фактларига муносиб баҳо беришлари, ишлаб чиқариш ритмини бузувчи, қўшиб ёзиш, давлат мулкига қўл чўзиш билан шуғулланувчи, енгил яшашга ўрганган кишиларга муросасиз муносабатда бўлмоқлари керак.

Барча коллективларда жамоат фикри қудратидан ҳар бир меҳнаткашнинг актив ҳаётий позициясини шакллантиришда янада самароли фойдаланишга эришмоқ зарур. Камчилик ва нуқсонларнинг моҳияти ва сабабларини ҳақида дадил, очиқ гапириш, нарсаларни ўз номи билан аташ, хатога йўл қўйган кишилар номини рўйрост айтиш керак. Аммо албатта бунда инсон шаънига ҳурматли муносабат чегарасидан ўтмаслик, қўполлик, юзсизлик қилмаслик лозим.

Коллектив барча ходимларга ижобий таъсир кўрсатиши, уларнинг ҳар бирини меҳнат ва ҳулқнинг энг яхши намуналарига эргашишга ундаши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса янги келганлар бунга муҳтож бўладилар. Ёш ишчи ва хизматчиларга таъсир кўрсатишнинг турли хил шакллари тажрибадан маълум. Ишчиликка тантаналы қабул қилиш, биринчи муваффақиятларни жамоат олдида эътироф этиш, ветеранларнинг оталиқ ёрдами сингари шакллар бунга мисол бўла олади.

Партия, совет органлари, касаба союзлари, ташкилотларга сонсиз лемаларни ҳал қ яъни ёшларнинг нати мазмуни ва ларини яхшилашга ларни қулай уйлар таъминлашга кўрсатиш, бор бериладиган совет органларига келаётган хат ва аризаларни бу борада ҳали ҳамма иш ҳам кўнгилдагидек эмаслигидан далолат беради.

Сўз ва шахсий намуна билан ишонтириш одамларни тарбиялашдаги асосий восита бўлиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шу билан бирга меҳнат коллективлари прогулчи, ялқов, қўли эгри кимсаларга нисбатан янада активроқ жамоат таъсири чораларини кўришлари керак. Коллективлар ишчининг ҳам, раҳбарнинг ҳам меҳнатга лоқайд, юзаки муносабати фактларига муносиб баҳо беришлари, ишлаб чиқариш ритмини бузувчи, қўшиб ёзиш, давлат мулкига қўл чўзиш билан шуғулланувчи, енгил яшашга ўрганган кишиларга муросасиз муносабатда бўлмоқлари керак.

Барча коллективларда жамоат фикри қудратидан ҳар бир меҳнаткашнинг актив ҳаётий позициясини шакллантиришда янада самароли фойдаланишга эришмоқ зарур. Камчилик ва нуқсонларнинг моҳияти ва сабаблари

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ОТАХОНЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Кексага кўмак бер—суянган тоғинг,
Буни тушунарсан қариган чоғинг.

Н. ХИСРАВ.

Қарилик етиб қолса ишда агар
Мурувват қилиб ҳолига сол назар.

С. ШЕРОЗИЙ.

Ёшмисан кексани сен ҳурмат айла,
Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.

АТТОР.

Фарзанд ато қуллиғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай.

А. НАВОИЙ.

• *Пири бадавлатларимиз*

ТЎҚСОНИНЧИ БАҲОР



Файз-тароватли ҳовлидаги мевали дарахтларда қушлар наво қилади. Ўрик тагига қўйилган сўри-каравотда пар ёстиққа ёнбошлаб ўтирган отахоннинг нигоҳи далаларга қадалган. Пурвиқор соқолли, миқти гавдали эгнига яктаги устидан оқ юпқа халат кийган, бошида кўк дўппи, чеҳрасидан нур таралиб турган бобонинг ёши тўқсонда. Исм-шарифи — Жўра Солиҳов. Отахон Калинин районидаги «Москва» колхозига қарашли участкада кенжа ўғли билан бирга яшайди. Ҳалигина келини дамлаб келган чойнакдаги чойдан пиёлага қуйиб ичди-да, қушлар навосига сархуш бўлганича хаёлга толди.

Қишлоқдагилар уни Жўра ота дейишади. Кўпни кўрган, олис ўтмиш тарихга айланган ёшлик йилларида не-не воқеаларни бошидан кечирмаган. У камбағал косиб оиласида дунёга келди. Ўша пайтларни, болалик йилларида кўрган-кечирганларини эсласа, отахоннинг вужуди сесканиб тушади. Қандай машаққатли кунлар эди. Бахтига Октябрь инқилоби рўй берди-ю, косиблар хонадонига ҳам рўшнолик кирди.

Жўра эсини танибдики, отасига маҳсикавуш тикишда ёрдамлашади, эрта-ю кеч тиним билмай ишлайди. У пайтларда мана шу томонлар Чуқуркўприк қишлоғи дейилар, эски Тошкентнинг марказидан бу томонга бир кунлик йўл ҳисобланарди. Ана шу чуқуркўприклик Жўранинг манглайи офтобда қорайди, билаклари меҳнатда қотди. Йигит бўлиб билаклари кучга тўлганда бойларга қарашли пахта даласида ишлади, экин экиб, сув таради, эртадан қора кечгача терга ботиб ишлади. Меҳнат қиларди-ю, роҳатини кўрмасди.

Камбағаллар бахтига инқилоб қуёши балқиб чиқди. Меҳнаткаш халқ ҳокимияти қарор топгач, Солиҳ косиб сингари қашшоқ меҳнаткашларнинг, Жўра полвон сингари асл заҳматкашларнинг кўкрагига шабада тегди. Ер, бутун табиат инъомлари халқ қўлига, ҳақиқий меҳнаткашларга ўтди. Октябрь инқилоби Жўра полвоннинг ҳам тақдирида бурилиш ясади. У колхозга биринчилар қатори кириб ишлади. Улар тузган «Қизил Шарқ» колхози озгинагина аъзоларига эга эди. Шундай бўлса ҳам, у Жўра сингари билаги толмас йигитларнинг пешона тери туфайли йилдан йилга ўсиб, мустаҳкамланиб борди. Ҳозир ўша колхоз ўрнида «Москва» колхози ташкил топган.

Катта Фарғона каналида мингларча халқимизнинг асл фарзандлари қатори Жўра Солиҳов ҳам актив қатнашди. У ҳам каналнинг муддатида қуриб битказилишида катта ҳисса қўшганлардан бири эди.

— Бундай қарасам, ёшлигим ана шундай меҳнатлар билан ўтиб кетибди, — деб ҳикоя қилади отахон пиёладаги чойдан хўплаб қўйиб. — Ҳе, умр дегани оқар сувдай гап экан. Бўлмаса кечагина шу жойларда отулов билан ер ҳайдаб, экин экиб юргандим. У вақтларда ҳозиргидай трактор, машиналар қайда, ҳаммаси қўлда бажариларди. Шундай бўлса ҳам одамларимиз ҳалол, виждонан ишлашарди.

Жўра ота Катта Фарғона каналида ишлаб юрган кезларида кураш тушиб «полвон» деган ном олганини сўзлаб берди. Мусобақадошлари уни кураги ерга тегмас полвон, ишдаям ҳеч кимга йўл бермайди, дейишарди.

Отахоннинг беш фарзанди бор. Беш ўғил — беш азаматнинг ҳаммаси ҳам отаоналарига раҳмат келтирадиган, халқимизга фидойи хизмат қиладиган кишилар бўлиб улғайишган. Тўнғич ўғли Жамол — ота касбини давом эттириб эндиликда шу қишлоқда боғбонлик қилмоқда. Эргаш — ўқитувчи, Мансур — темир йўлда ишлайди, Носир — врач, медицина аълочиси, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича йигирмадан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Эркин — шофёр. Уларнинг ҳаммалари ҳам оилали, болачақали бўлишди.

Жўра ота фарзандларидан хурсанд. Давлатдан пенсия олади. Мана, ҳадемай жонажон Ўзбекистонимизнинг, унинг партия ташкилотининг 60 йиллик юбилейи бўлади. Ана шундай катта анжуманни отахон орзиқиб кутмоқда. Республикамиз тарихини, унинг ташкил бўлган дастлабки йилларидаги ҳаётини яхши билган ота ёшларга ботбот шу ҳақда ҳикоя қилиб беради. Яқинда ана шундай учрашувлардан бирида отахон бизга ҳам шаҳримиз, республикамиз тарихидан, унинг инқилоб йилларидаги воқеаларидан сўзлаб берди.

Ҳа, халқимизга, юртимизга бир умр садоқат билан хизмат қилиб, ҳозирги фаровон турмушимизнинг бунёдга келишида беқиёс ҳисса қўшган бобога ҳавас билан қараб, унга қалб ташаккурини айтгимиз, боболар ишининг муносиб давомчилари бўлишга интиламиз, дегимиз келарди.

Тўқсоннинг довонидан ошиб, кексалик гаштини сураётган отахонга саломатлик ва бардамлик тилаймиз.

Н. АЛИМОВ.

• Турмуш чорраҳаларида

Фарзандга доим парвона

Тонг ёришиб келаётган эди. Метро станциясига тушиб борарканман, дипломат кўтарган, мўйлови эндигина сабза урган ёш йигитча (афтидан ўқишига шошаётган бўлса керак) ёнимдан «ғирр» этиб чопиб ўтди-ю, ҳассасига таяниб қарши томондан чиқиб келаётган нуроний бир отахонга бехос урилиб кетди. Чол қалқиб кетди. Бир зум ҳамманинг нигоҳи ўша тарафга қаради. Буни қарангки, йигитча узр сўраш ўрнига, тўнғиллади:

— Ҳой бобой, эрта саҳар нима бор сизга кўчада, тасбеҳингизни ўгириб уйингизда ўтирсангиз бўлмайдими!

Йигитча яна шошилганча чопиб кетди... Қулоқларимга ишонмадим.

Наҳот, наҳотки шундай ўқимишли йигитча тарбия кўрмаган бўлса! Дарҳол отахоннинг қўлидан тутиб, кўнгил сўрадим:

— Отахон, кечирасиз, йигитча дилингизга озор бериб қўйди, шекилли, хафа бўлманг, баъзан шунақалар ҳам учраб туради...

Отахон ҳамон ўзини тутиб ололмаган, тили калимага ҳам келмаган эди. У кишининг кўнгилларини олиш мақсадида бекатдаги скамейкага таклиф қилдим!

— Ҳа, отахон, йўл бўлсин!— сўрадим секингина.

— Шундай... кичик қизимникига кетаётган эдим, — ниҳоят ўзига келиб сўзлай бошлади ота. — Кампирим қўярда-қўймай хабар олиб келинг деди. Ёмон туш кўрибди, шекилли. Шу денг, бу пучуғимиз ҳам сал бемеҳрроқ чиқиб қолди. Ҳар уч кунда бўлмаса ҳам бир ҳафта бирров кўриниш бериб кетса нима қилади!

— Ҳа, ҳаммалари иш-юмуш билан овора-да.

Отахонни йўлнинг нариги бетига ўтказиб қўйиб, яна метрога тушиб кетдим.

Оталар... серташвиш отахонлар! Яхши ҳамки сизлар борсиз! Фарзандларингизга тарбия бериб, илм бериб, уйли-жойли қилсангиз ҳам, кўнглингиз тўлмай доим уларнинг парвонаси бўлиб юрасиз. Кампирингиз тайёрлаб қўйган бирор тансиқроқ таом ҳам фарзандларингизсиз томоғингиздан ўтмайди. Ҳар бир неварангиз ташвиши ҳам сизнинг бошингизда. Сизнинг кўнглингиз болада, болалар кўнгли далада ҳам бўлиб туради. Сизларнинг нур ёғилиб турган сиймонгиз ҳар бир хонадонга файз бағишлайди. Ёшлар бахтига омон бўлинглар, таянчсиз қолганда фарзандлар сизларга доим суянчиғингиз бўлишсин.

Рустам САИДОВ.



• *Санъатнинг сеҳрли олами*

НОДИР АСАРЛАРНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Москва. Музейлар, кутубхоналар, архивлар, турли давлат ва жамоат ташкилотлари мамлакатимиз халқларининг бой бадиий ва маданий меросини тадқиқ этиш, тиклаш ва асраш бўйича жуда катта ишларни амалга оширмоқдалар. Бу соҳа амалга ошираётган иш эндиликда маданиятимиз тараққиётининг муҳим йўналишлари, совет кишиларининг маънавий турмуш тарзи билан бевосита боғлиқдир.

Москвадаги Рассомлар марказий уйида очилган янги кўргазма «СССРдаги музей бойликларининг реставрацияси» деб номланади. Унда мингдан ортиқ асарлар намойиш этиляпти. Кўргазма мамлакатнинг барча йирик устахоналари кейинги йигирма беш йил мобайнида амалга оширган ишларнинг ўзига хос ҳисоботидир.

СУРАТДА: Давлат Эрмитажи экспозициялари намойиш этилаётган зал.

В. Великжанин ва А. Кремко фотоси. ТАСС фотохроникаси.

БИРИНЧИ ДАВРА ЯКУНЛАНИШИ АРАФАСИДА

Футбол бўйича мамлакат биринчилиги олий лига командалари 2—3 учрашувдан сўнг биринчи даврани якунлашади. 21 очкодан тўплаган «Днепр» ва «Спартак» командалари бошқа коллективлардан анча олдинга ўтиб кетишди.

Улардан кейин 16—17 очко тўплаган бир группа командалар боришмоқда. Уларнинг орасида «Зенит», Москванинг «Торпедо», Киевнинг «Динамо», «Металлист», «Черноморец» ва «Шахтёр» командаларининг борлиги таажжубли ҳол эмас. Бу командалар ўтган йили ҳам бир хил ва чиройли ўйин кўрсатишган эди.

Фақат уларнинг орасида бу йил пахтакорчилар йўқ. Шу боисдан ҳам асосий эътиборни турнир жадвалида сўнгги ўринларда бораётган командаларнинг ўйинларига қаратмоқчимиз. 1984 йилги СССР Кубогининг эгаси Москванинг «Динамо» командаси сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб турганлиги энг таажжубли ҳолдир. Динамочилар асосий мақсадларига эришишди. Энди улар мамлакат биринчилигида ҳам чиройли ўйин кўрсатиб, аҳволни ўнглаш учун бор маҳоратларини ишга солишлари аниқ.

Ҳозирча «Жальгирис»нинг ўйини қовушмаяпти. Маълумки, бу команда ўтган йили биринчи даврани пешқадам сифатида якунлаган эди. Дарҳақиқат, бу муваффакият жуда кўп мутахассис ва шарҳловчиларни ҳайратга солди. Мамлакатимиздаги энг кучли командаларни оркада қолдириб кетиш осон иш эмасда ахир! Аммо усталик билан ҳимояланиш бу йилги мавсум учун етарли бўлмай қолди.

«Пахтакор» ҳақида нима дейиш мумкин! Ҳамшаҳарларим и з д а олий лигада қолиш имкониятн борми!

Бундан уч тур аввал ҳамшаҳарларимизн и н г аҳволи нихоятда оғир эди. Улар 12 учрашувда фақат 6 очко тўплашди. Кейинги уч турдан сўнг тошкентликларнинг аҳволи бироз яхшиланди. Улар шиддаткорлик ва катта ирода эвазига икки марта ғалабага эришдилар. Сафардаги учрашувда рақиб билан очколарни бўлашиб олишди.

Шу ўринда «Пахтакор»нинг ўйинида олдинга силжиш, ўзгариш сезила бошланганлигини айтиб ўтмоқчимиз. «Пахтакор» ҳақида 17 фикр» рубрикаси остида берилган интервьюларда «Металлист» командасининг тренери Е. Лемешко ва Киев «Динамо» командасининг тренери В. Лобановский пахтакорчилар мавсумга тайёргарлик ишларини яхши ўтказмаганликларини, шу боисдан ҳам коллектив олий лигани тарк этиши мумкин, деган фикрни билдиришган эди. «Жальгирис» командасининг устози А. Любинскас, МАСК командасининг тренери Ю. Морозов эса бутунлай бошқача фикрни айтишди. Маълумки, бу командалар Тошкентда ўтказилган учрашувларни бой беришди. Шуни ҳам айтиш керакки, рақиб командаларнинг тренерлари бошқа коллективларни жуда синчковлик билан кузатиб боришади. Улар ҳатто рақиб командани қайси ўйинчиси бетоблиги, огоҳлантириш олганлигини ҳам билишади. Шунингдек, коллективнинг умумий тайёргарлиги, ҳар бир ўйинчининг маҳорати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги учрашувларда «Пахтакор»нинг ҳаракатида қатъийлик сезилиб турди. Коллективнинг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги юксалганлиги кўзга ташланди. Ўз майдонида икки марта ғалабага эришиш ва сафарда «Черноморец» билан очколарни бўлашиб олиш командада оҳиста бўлса-да, ҳар ҳолда юз берган кризисни енгиш, ўзига хос услубни намойиш этиш, ўз кучига ишонч таркиб топиб бораётганлигидан далолатдир.

«Пахтакор» учун энг қийин дақиқаларда ҳам бошқа коллективлардан ўйинчилар жалб этилмаганлиги яхши бўлди. Натижада коллективнинг устозлари ва ўйинчилари бой берилган учрашувлардан тўғри хулоса чиқариб олишга муваффақ бўлдилар.

«Пахтакор» командасининг етакчи ўйинчиси А. Якубикка ташаккур айтса бўлади. Воқеалар шуни кўрсатдики, у командага қайтиб келиши билан боғлиқ бўлган турли келишмовчиликларни енгиб, тўғри хулоса чиқариб олди. 15 учрашувда рақиблар дарвозасини етти марта нишонга олиб, мерганлик вазифасини усталик билан бажара бошлади. Меҳнатсеварлиги билан ёш командадошларини қатъийликка, шиддаткорликка ундамоқда.

Мавсум бошидаги омадсизликларга қарамасдан команда капитани А. Яновский руҳий тушкинликка тушмади. У қатъий, чиройли ҳаракатлари билан шерикларини илҳомлантириб турди. Ана шундан кейин коллективнинг барча ўйинчиларида ўзларига бўлган ишонч ошди.

Ҳимоячилар маҳорати ошганлигини ҳам айтиш керак. Улар қўпол хатога йўл қўйишларни кескин камайтирдилар. Айни пайтда ярим ҳимоячиларга актив ёрдам бериш кўникмасини эгаллаб олдилар. Г. Денисов, М. Билолов, С. Бондаренконинг спорт формаси яхшиланиб боряпти. Ёш ҳимоячи В. Кисера айрим учрашувларда юксак маҳорат намойиш этиб, ҳужумчиларга усталик билан тўп етказиб бериб турибди.

И. Иванов ва А. Журавлёвларнинг бетоблиги туфайли ярим ҳимояда бирмунча муаммолар вужудга келди. Меҳнатсевар И. Аҳмедов билан ёнма-ён маҳоратини қайта тиклаётган С. Юрчишиннинг ҳаракат қилиши бу муаммони ҳал этишга ёрдам берди. Н. Амриев ҳам ярим ҳимоячи вазифасини моҳирлик билан уддалаяпти. Фақат спартакчилар мактабини ўтаган Э. Гесснинг майдонда бор куч ва маҳоратини ишга сола олмаётганлиги ачинарлидир.

Ҳужумчилардан И. Шквирин, К. Новиков ҳам чиройли ўйин кўрсата бошлашди. И. Шквирин дарвозага чиройли тўплар киритди. К. Новиковда эса ҳамон мўлжални аниқ нишонга олиш маҳорати етишмаяпти. У қулай имкониятлардан фойдалана олмаяпти. М. Кабаев ҳақида алоҳида тўхташ керак. Унинг ёшлиги, қобилиятли эканлиги, келажакда машҳур футболчи бўлиши мумкинлиги ҳақида жуда кўп айтилди. Аммо Марат ўзига нисбатан талабчанлик кўрсатмаяпти, маҳоратини такомиллаштирмаяпти. Энг асосийси, қатъийлик, ҳар бир учрашувда бор куч билан ҳаракат қилишга уринмаяпти.

«Темирни қизиғида бос» деган мақол бор. Ана шундан келиб чиққан ҳолда «Пахтакор»нинг ўйинида юз берган жонланишни вақтида мустаҳкамлаш чорасини кўриш керак. Чунки ҳозир бой берилган ҳар бир очконинг қадри кузда жуда ошиб кетади. Шунингдек, биринчи лигадан олий лигага чиқиш ниҳоятда қийин вазифа эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Э. АВАНЕСОВ,
«Тошкент оқшоми»нинг футбол шарҳловчиси.

• *Донолар бисотидан*

ОТА—ҲАЁТ БОҒБОНИ

Қоровулдан тортиб министргача — истаган ходимни худди шундай ёки ундан ҳам қобилиятлироғи билан алмаштириш мумкин. Яхши отани эса яхши ота билан алмаштириб бўлмайди.

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ.

Битта ота юзта ўқитувчидан устин демакдир.

Ж. ГЕРБЕРТ.

Отанинг қаттиққўллиги ажойиб дори: аччиғидан кўра ширини кўп.

ЭПИКТЕТ.

Ота донолиги болалар учун чинакам сабоқдир.

ДЕМОКРИТ.

Фарзандларнинг дил сўзлари

ДУРУ-ГАВҲАРДАН АЪЛО

Ота—бу улуғ инсон, отага тик қараб бўлмайди. (Нақл).

Ота — оила султони, ҳаётимиз боғбони. «Отам бор — давлатим бор», деб бежиз айтишмайди. Ота-онасига таянч, меҳр-муҳаббатли фарзандлар каби мен ҳам дадамларни севаман, уларнинг панд-насиҳатларини дуру-гавҳардан аъло деб биламан, ҳавас қиламан, улардан бутун ҳаётимда ибрат оламан. Дадам Султон Расулий ишчилар, ҳозир пенсияга чиқдилар. Мен ҳам дадам изларидан бориб, ишчилик касбини танладим.

Ота-онамлар доим фарзандим дейишади. Агар бирон ёққа кетсам, келгунимча мижжа қоқмай ўтиришади.

Дадам бўш пайтларида шеър ҳам ёзиб турадилар. Шеърларининг мазмунидан ҳаммасини англаб оламан. Мен Совет Армияси сафида йигитлик бурчимни ўтаб юрган пайтларимда отамдан кўплаб хатлар олардим. Дадам менга ёзган шеърларида мард ва ҳалол бўлишга ундардилар. Мана ўша шеърдан тўрт мисра:

Сен ўғлим, суянчиғим,
кўнгил мадорим,
Сени ўйлаб йўқдир
тоқат-қарорим.
Ватанга айла хизмат
паҳлавоним,
Ой бордингми, омон
келгин, ўғлоним.

Мана шу сатрларни ўқиб, кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшиларди. 1981 йилда хизмат бурчимни ўтаб келдим. Отам изидан бориб, ишчилар сафига қўшилдим. Кўплаб меҳрибон одамлар ғамхўрлигида ишлаяпман. Ҳамма менга бажонидил ёрдам беряпти. Мен ҳамкасбларимдан беҳад хурсандман. Доимо кунлик топшириқни ошириб адо этяпман. Дадамлардек фидокор ва ҳалол ишчи бўлсам бахтлиман.

Ф. СУЛТОНОВ.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг ишчиси.

ИККИ ТУП АТИРГУЛ

Қатра

Ойижоним ишдан ҳориб-чарчаб келсалар ҳам, ором олишни унутадилар. Бизни жам бўлиб ўтиришимизни кўриб, гўё ором оладилар. Сўнг кечки овқатга уннаб кетадилар.

— Қизим, қани бўла қол, сабзини кокил-кокил қилиб тўғраб бергин, яхшилаб ош дамлайлик. Бугун пайшанба, ҳаммамиз дастурхон атрофида жамул-жам бўламиз.

Она-бола ишга киришиб кетардик. Ойижоним қозонга ёғни солиб, пиёз-у гўштни чаққонлик билан тўғрардилар. Яна севинч билан гапирардилар:

— Адажонинг паловни яхши кўрардилар... «Назокатхон, сени ошинг чойхона паловдан ҳам лаззатли бўлади», дердилар... Кулардим... Чойхона паловга ҳазилакам масаллиқ тушадими?.. Ундай бўлса, чойхонада ош дамласам ўликни тирилтирворадиган ош бўлар эканда... Аданглар қизиқ эдилар-да...

Ойижоним дадамларни жуда ҳурмат-иззат қилар эдилар. Укаларим шўхлик қилса, «Ҳозир даданг келсалар, сени айтиб бераман», дердилар. Шу танбеҳнинг ўзи етарли эди. Ҳаммамиз дадажонимдан ҳайиқиб, ҳурмат-иззатларини жойига қўяр эдик. Лекин дадамлар ҳеч биримизни урмас ва сўкмас эдилар. Бирон ножўя иш қилиб қўйсак, «Яхши бўлмабди, мен сендан жуда ҳафаман» дердилар. Шу гапнинг ўзи биз учун етарли эди. Шундан хулоса чиқариб олар эдик.

Ҳаёт тасодифларга тўла, оёқ остидан чиққан тасодиф отамизни биздан жудо қилди.

Онажоним қўлларига капкирни ушлаб, ош дамлашга тушиб кетадилар. Қўлларида капкир, лабларида эса:

— Даданг, даданг...— дердилар.

Палов ҳам тайёр бўлди. Биз дастурхон атрофига тўпландик. Ойижоним оғизларига бир луқма ош солдилар-да, бизнинг кўзларимизга қарайдилар. Ўйлайман:

«Ҳа, ойижоним вафот этган отамни бизнинг кўзларимиздан излайдилар».

— Катта-катта олинглар...

Эрта баҳорда дадажонимнинг қабрига ойимлар билан бир туп қизил, бир туп оқ атиргул ўтқаздик. Унга ҳар ҳафтада бориб сув қуйиб, қабр атрофини тозалаймиз. Ҳозир дадажоним қабрида оқ ва қизил атиргуллар биллур бўлиб, ёқут бўлиб очилиб турибди, гўё умр дўстлари, болалари юраги каби қабр устида жилва этиб турибди.

М. НАЗАРОВА.

БУ ҚАЙТАР ДУНЁ...

(ҚАДИМИЙ РИВОЯТ)

Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

Алишер НАВОИЙ.

Қадим замонда, кун ботар томонда бир қабила яшар экан. Андоғ ривоят қиладиларки, бу қабилада қариялар юз ёшдан ошиб, касалманд бўлиб қолгач, қузғунлар еб кетсин деб, уларни тириклайин тоғ ортидаги чўл-саҳрога олиб бориб ташлашаркан.

Қабилада Азамат деган бир йигит яшар, чиройда ой деса— ой уяладиган, кун деса — кун куядиган парипайкал хотини, норғил ўғли ва қундуздек кўҳлик қизи бор экан. Азаматнинг отаси юз бир ёшдан ошиб, хаста бўлиб қолибди. Қайнотасининг иссиқ-совуғига, кир-чирига, овқат-ёвғонига қарайвериб жонидан тўйган пари-пайкал хотин Азаматга дебди:

— Отанг қариб тамом бўлди, уни чўлга олиб бориб ташла, қузғунларга ем бўлсин.

Азамат дебди:

— Мени тишида тишлаб, елқасида ортмоқлаб вояга етказган шундай нуроний отамни қузғунларга ем қилгани қандай ташлаб келаман?

— Одатимиз шу, агар истамасанг, отангни ортмоқлаб ол-да, бошинг оққан томонга кетавер.

Азамат отасини қузғунларга ем қилгани чўлга олиб бориб ташлашга мажбур бўлибди. У отасини опичиб олиб мўл юрибди, мўл юрса ҳам кўп юрибди, ниҳоят чанқаб бир чинор тагидаги чашма бўйида тўхтабди. Отасини шу ердаги катта қора харсангга ўтқазибди-да, қадди ёй бўлиб, кўзлари мўлтираб турган отасига дебди:

— Отажон, чанқагандирсиз, сув ичасизми?

— Майли ўғлим, бир қултум сув бер.

Азамат чашмадан дўпписида сув олиб келиб ичирибди. Шунда отаси кўзидан ёш оқизиб, хўнг-хўнг йиғлай бошлабди:

— Отажон, нега йиғлаяпсиз?

— Нега энди йиғламай, жоним ўғлим, — дебди ҳасрат-надомат билан ота.— Бир пайтлар сенга ўхшаган норғил йигит эдим. Мен ҳам хотинимнинг гапига кириб отамни қузғунларга ем қилгани опичиб шу ерга келгандим, мана бу қора харсанга ўтқазгандим, чашмадан дўппимда сув олиб ичиргандим... Мана, бугун ҳаммаси ўзимга қайтиб турибди. Бу беш кунлик дунёда кимга нима қилсанг, акс-садосини олар экансан. Бол берсанг — бол, оғу берсанг оғу олар экансан.

Азамат ўйлаб қолибди: «Отам ўз отасига қилганини мендан кўриб турибди. Йиллар ўтиб мен ҳам қариганимда бу қилмишим ўғлимдан қайтади. Йўқ, мен отамни уйимга олиб кетиб, бошимга кўтариб боқаман».

Азамат отасини уйга олиб келиб, воқеани хотинига айтиб берибди, бу қайтар дунё эканини тушунтирибди. Хотини ҳам оқибатни ўйлаб, қайнотасига меҳр билан қарай бошлабди.

Йиллар ўтибди. Азамат билан хотини қариб-қартайишиб д и. Улар оталарига меҳр-муҳаббат билан қараганлари учун ўғил-қизларидан иззат-икром, роҳат-фароғат кўриб яшашибди.

Шундан кейин бу қабилада кексайиб қолганларни қузғунларга емиш қилиш одати йўқолиб, «Қари бор уйнинг—зари бор», дейишадиган бўлишибди.

Тўлқин РАСУЛЕВ.



• *Ибратли анъаналар*

«БИРИНЧИ ҚАДАМ» ШОДИЁНАСИ

Инсон боласи туғилиб-ўсиб, оёққа туради. Унинг биринчи сўзини айтиши, «атак-чечак» қилиб биринчи қадам босиши ота-онага, оиладагиларга бир олам қувонч бағишлайди. Боланинг «Биринчи қадами»ни нишонлаш халқимизнинг қадимий удумидир. Ҳозирда ана шундай яхши анъана-удумларимизга янгича сайқал берилиб, кенг жамоатчилик ўртасида ёйилмоқда.

«Биринчи қадам» маросимида қариялар, боланинг қариндош-уруғлари, кичкинтойлар иштирок этишади. Хонадоннинг энг кекса онахони боланинг оёғи остидан нон юмалатиб, қариндошлари унга совғалар беришади, босаётган биринчи қадами қутлуғ ва ҳамиша тўғри бўлишига, ҳаётда тўғри йўлдан юришига тилак билдиришади.

«Биринчи қадам» маросими методикасини яқинда Тошкент Давлат маданият институтининг маданий-оқартув ишлари методика кафедраси мудири, педагогика фанлари кандидати, доцент Усмон Қорабоев ишлаб чиқди. Шу методика асосида кафедра ўқитувчилари ва I курс студенткаси Г. Назармуҳамедова сценарийси асосида Валя Котик номли маданият ва истироҳат боғида «Биринчи қадам» маросими тантанали равишда ўтказилди. Бу тадбирни ташкил этишда Куйбишев районидаги 49-ўрта мактабнинг Шукурхон Раҳимжонова раҳбарлик қилаётган 2-синф ўқувчилари ва парк дирекцияси яқиндан ёрдам бердилар.

Кечани доцент Усмон Қорабоев очди. У ўтказилаётган маросимнинг тарихи ва моҳияти тўғрисида гапирди. Сўнг Малика Тойжонова, Комил Эшматов, Орифжон Азизов, Азиза Иброҳимова, Феруза Акромова, Барно Раҳматуллаева ва бошқа кичкинтойлар саҳнага чиқишиб, ўзлари тайёрлаган адабий композицияларни намойиш этишди. Тантанада шоир Азим Суюннинг «Илк қадам» шеъридан қуйидаги мисралар янгради:

Мана, илк қадам қўйдинг,
Жоним, жажжи болажон.
Йўлларинг бўлсин ойдин
Нурли бўлсин ҳар қачон.

Кеча охирида «Биринчи қадам» маросими кўрсатилди. Илк қадам ташлаган болани етаклаш вазифасини кексалардан Шарифа она Мирсамадова бажардилар.

Қадам ташлаётган болага қарата ўқувчи Барно Раҳматуллаева қуйидаги шеърни ўқиди:

Укажоним, қўзичоғим,
Кела қолгин, овунчоғим
Туриш керак, юриш керак,
Атак-чечак, атак-чечак.
Ўсиб қопти гавдачаси,
Хурсанд бўлсин адачаси.
Аяжони кўриб қўйсин
Бувижони кўриб тўйсин.
Қани-қани, қадам ташланг:
«Қўлларимдан маҳкам
ушланг!»

Кеча жуда қизиқарли, томошали ўтди. Шундай қилиб, қадимий ўзбек анъаналаридан бири янгича формада юзага келди.

Шерхон ҚОДИРИЙ.

СУРАТДА: «Биринчи қадам» маросимини тантанали ўтказиш пайти.



Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

28 ИЮНЬ, 1984 й.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ

МЕҲНАТ БЎЛИМИ

«Магаданрибпром»нинг балиқчилик саноат корхоналаридаги мавсумий ишларга

— ЁЛҒИЗ ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИ БАЛИҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ УЧУН

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ишга жўнаб кетувчиларга қайтариб олинмаслик шарти билан бир йўла тўланадиган нафақа берилади, йўлда юрган вақти учун суткалик пули, жойига бориш ва шартнома муддати тугагач илгариги яшаш жойига қайтишда йўл ҳақи тўланади.

Шартнома 6 ой муддатга тузилади.

Ишга жўнашидан 10 кун олдин, ишчининг Магадан шаҳрига кириши учун ҳуқуқ берадиган пропуск расмийлаштирилади.

Ишга жўнатиш — 19 июлда.

Турар жойидаги уй-жой майдони сақлаб қолинади.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 6-хона ва аҳолини ишга жойлаштириш бюросининг район пунктларига.

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ (сонли программа билан бошқариладиган станоклар оператори), СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10-СИНФ ҲАЖМИДАГИ МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ОБЛАСТИДА ЯШАЙДИГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини тугатганларга эгаллаган ихтисоси бўйича диплом берилади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот олганлиги ва касб эгаллаганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ҳар куни уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг маълум қисми берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий, ўрта маҳсус ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилинадилар.

В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳузурида Тошкент политехника институти самолётсозлик факультетининг ва авиация техникумининг кечки бўлими мавжуд.

Билим юрти спорт базасига эга. Билим юртида спорт секциялари, вокал-чолғу ансамбли ва халқ чолғу асбоблари ансамбли тўгараклари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмлардаги 8 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 121 автобусларнинг «166-билим юрти» 3, 23 трамвайларнинг «Лисунов номли кинотеатр» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **ёритиш бўйича электр монтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр қурилмалари бўйича электр монтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандловчи, коммутация иккиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи,** (Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган), **контроль-улчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик** (фильмларни текшириш ишини бажара оладиган), **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик.**

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 14,5 ЁШДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўла ўрта маълумот ҳамда ихтисоси тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача миқдорда стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар, электр-газ пайвандловчилар группаларининг ўқувчилари иш ҳақининг 50 процентини оладилар ва уларга ётоқхона берилади, бошқа группаларнинг ўқувчилари иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ва электр монтажчи мутахассисликлари бўйича ўқишга кирган йигитлар учун ўқиш муддати бир мунча қисқартирилган: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ойгача.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхоналарда мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, 14 спорт секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси; турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.),

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 40, 45, 58, 70, 79-автобусларнинг 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/VI да **Травиата**, 29/VI да **Уйқудаги гўзал.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/VI да **Парвона**, 29/VI да **Шошма, қуёш.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Сувда цирк» Москва циркининг хайрлашув гастроллари (19.30).**

кино

28 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИРИ» — **Санъат саройи** (16, 18.30 20.45; телефон 44-21-74), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Хива** (21.40, телефон 32-78-02).

«ТУГАТИШГА КИРИШИЛСИН» — **Санъат саройи** 17, 19.30), **Чайка** 18, 21.00), **Нукус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00), **Москва** (18.30, 21.00), **Восток** (18.20, 21.00, телефон 91-14-61), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (16, 18.30, 21.00 телефон 53-65-87), **К. Ёрматов номли** (17, 18, 20, 21.30), **Янгиобод** (18.30, 21.00; телефон 96-36-21).

«ДУБЛЁР ИШГА КИРИШДИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **С. Раҳимов номли** (тоқ соатларда, телефон 48-46-71).

29 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАЙСАРНИНГ ҚУЮЛИШИ» — **Санъат саройи** (11, (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-74), **Дружба** (жуфт соатларда, тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 58-36-06), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ТУГАТИШГА КИРИШИЛСИН» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Фестиваль** 21.40 телефон 32-78-02), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21,00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21; телефон 35-24-92), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 53-65-87), **К. Ёрматов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 24-22-66), **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«ДУБЛЁР ИШГА КИРИШДИ» — **Хива** (21.40, телефон 39-14159).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Ватан** (12, 15, 18, 21.00).

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги 219-ўрта мактаб томонидан **Ашуров Ғайратжон Махамаджонович** номига берилган 559427 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Узбекгидроэнергострой» трестининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

НОВОАНГРЕНСК ГРЭСи қурилишида ишлаш учун металл ва темир-бетон конструкциялари монтажчиси ҳамда қурилиш майдонларининг электромонтёрларини тайёрлайдиган курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар ва уларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

Иш даврида ёлғизлар яхши жиҳозланган ётоқхона оладилар. Оилалиларга навбати билан квартира берилади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Оҳангарон райони, Новоангренск ГРЭСи қурилиши;

Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39-«а» уй. Телефон 66-09-02.

ҲУРМАТЛИ МУТАХАССИСЛАР!

Сиз машинасозлик, машинасозлик технологияси ва асбобсозлик бўйича адабиётлар оғир саноат соҳалари китоблари орасида дастлабки ўринлардан бирини 10 йилдан ортиқ вақтдан буён эгаллаб турганлигини биласизми?

Машинасозлик ва асбобсозлик бўйича нашр этилаётган китобларнинг катта қисми ишлаб чиқариш китоблари улуши зиммасига тушади ва бу китоблар орасида инженер-техник ходимлар учун мўлжалланган бир қатор махсус сериялар бордир.

Маълумотларга доир адабиётлар ҳам ўзининг ранг-баранг соҳаларга бағишланганлиги билан ажралиб туради.

Махсус олий ўқув юртлари ва техникумлари студентлари, шунингдек ҳунар-техника ва темир йўл билим юртлари ўқувчилари учун доимо зарур бўладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари кўплаб нашр этилмоқда.

Сиз шаҳимиздаги китоб магазинларида «Машиностроение» «Наука», «Мир», «Радио и связь», «Висшая школа», «Просвешение» нашриётларининг адабиётлар чиқариш планлари билан танишиб, ўзингизга керакли бўладиган китобларга буюртма беришингиз мумкин.

Шу нарсани ҳам эслатиб ўтамизки, юқорида номлари кўрсатилган тематик планларни қайта ишлаш муддати ўтиб бормоқда, ўз вақтида расмийлаштирилмаган буюртмалар китобларнинг етиб боришини кафолатламайди.

Халқ хўжалиги корхоналарининг раҳбарларига «Экономика», нашриётининг махсус китобларига обунани расмийлаштиришларини таклиф қиламиз:

Глушченко К. П. Саноатда бошқаришнинг ҳозирги замон системаларини ривожланишини планлаштириш. — Москва. Экономика, 1985 й. (II квартал). Баҳоси — 40 тийин.

Бу китобда муҳим, лекин кам тадқиқ этилаётган бошқаришни автоматлаштиришга сарфланган харажатнинг самарадорлигини ошириш проблемаси кўриб чиқилган. Бу масалани ҳал этиш ва техника тараққиётини комплекс планлаштиришнинг методик принципларига ёндошиш усуллари баён этилган.

Планларнинг ишлаб чиқишнинг асосий мақсади соҳада тадбиқ этилаётган барча комплекслардан кўпроқ иқтисодий самара олиш ва объектларни автоматлаштириш, муддатлари ва сарф-харажатларни оптималлаштириш ҳисобига техника тараққиёти тадбирларини яратишдир.

Уларнинг амалий апробацияси натижалари баён этилган.

Нежинская А. А. Хўжалик ҳисоби диалектикаси — Москва. «Экономика», 1985 йил (II квартал). Баҳоси — 50 тийин.

Монографияда хўжалик ҳисоби элементларидан фойдаланиш диалектикаси тадбиқ этилади У ҳақда дастлабки тушунчалар берилади.

Хўжалик ҳисобини социалистик мулкчиликдаги формада кўриниши ва улар ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳал этиш шакли тарзида кўриб чиқишга эътибор қаратилади.

Хўжалик ҳисоби жамоат ва таннарх формаларини такомиллаштирувчи категория тарзида таҳлил қилинади. Муаллиф ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда хўжалик ҳисобининг аҳамиятини кўрсатиб беради.

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ.

ҚИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ 17-ОШХОНАНИНГ «ЛЕБЕДЬ» КАФЕСИ ҚОШИДАГИ МАКТАБ-ОШХОНАГА

1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Мактаб-ошхона Киров районидаги энг яхши ошхоналар, кафеларда ишлаш учун III-разрядли малакали ошпазларни тайёрлайди.

Ўқиш муддати — 11 ой.

МАКТАБ-ОШХОНАГА ФАҚАТ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мактаб-ошхона замонавий, уч қаватли ажойиб бинода жойлашган. Бино модернизация қилинган, иситиш ва совутиш қурилмалари ҳамда таълимнинг технологик воситалари билан жиҳозланган.

Мактаб-ошхона қошида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

Ўқиш даврида ўқувчилар овқат, махсус кийим-бош билан таъминланадилар, шунингдек 54—63 сўм миқдорида стипендия оладилар.

Мактаб-ошхонани битирганлар III-разрядли ошпаз малакаси берилганлиги тўғрисида ҳужжат оладилар.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Киров райони, Тимирязев кўчаси, 28-уй (22, 3, 23, 29-трамвайлар; 19, 47, 89-автобусларнинг «Тимирязев кўчаси» бекати).



СИЗНИНГ ЖОЗИБАЛИ ГИЛАМИНГИЗ

Сизнинг хонадонингиздаги жозибали гиламингиз ҳамиша чўғдек товланиб туриши, узоқ йиллар давомида яхши хизмат қилиши учун ўзига хос бир сир бор. Бунинг учун гиламингизни вақти-вақти билан химчисткада тозалатиб туришингиз лозим. Сиз уй шароитида гиламингизни қанчалик урининб тозаламанг, барибир ниҳоясига етказиб чиннидек қилолмайсиз. Бундан ташқари, «Химчистка» фабрикаси алоҳида ҳақ олиш билан гиламларни реставрация қилиб беради. Гиламларнинг йиртилган жойлари, титилиб кетган чеккаси, куя тешиб кетган жойлари бартараф этилади ва шунда гилам яна асли ҳолига қайтади.

ГИЛАМЛАР ВА ГИЛАМДЎЗЛИК БУЮМЛАРИНИ ТОЗАЛАШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ПУНКТИ — ХИМЧИСТКАНИНГ 6-ФИЛИАЛИ «МАРКАЗ — 26» УЙ-ЖОЙ МАССИВИДА ЖОЙЛАШГАН.

Сиз 42-56-57 телефонидан олдиндан маълумотлар сўраб билишингиз мумкин.

Филиалнинг бу ердаги қабул пунктида кийимлар ва бошқа буюмларни тозалаш учун қабул қилишади.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

ЯНГИ УСТАХОНА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Пойафзал ремонти бўйича янги устахона пойтахтимиз марказида очилди. Унинг хизматидан Тошкент аҳолиси ва меҳмонлари фойдаланиши мумкин.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланганлиги туфайли 212-янги механизациялашган устахона исталган ремонт турини — энг оддий юмушлардан энг мураккабигача, ҳатто пойафзалнинг устки қисми ёки тагчармини алмаштиришгача бажариши мумкин. Буюртмани бажариш муддати —буюртмачи ихтиёрига кўра (тез ёки оддий тариф бўйича) белгиланади.

Устахона қуйидаги адресга жойлашган: Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони, 12-«а» уй (янги 19-қаватли уйлар комплексида).

Унга қуйидаги транспорт билан бориш мумкин: 4, 5, 17, 18 троллейбуслар; 1э ҳамда бошқа автобуслар ва метронинг «Ҳ. Олимжон» станцияси)

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ! ЯНГИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН УСТАХОНА ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР.



«ТАШГОРОБУВЬТОРГ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИДА

«ҚУВОНЧИМ СЕН, АЗОБИМ СЕН»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ



Сценарий авторлари — З. АБАВИН, В. ПЬЯВКО, Ю. РОГОВ.

Режиссёрлар — В. ПЬЯВКО, Ю. РОГОВ.

Бу опера қўшиқчиси ҳақида, унинг касб маҳорати шаклланиши, ўзининг шахс сифатидаги камолоти ҳақида ҳикоя қилувчи музикали фильмдир.

Эндигина армиядан хизматни тугатиб қайтган Николай Бахин ажойиб овозга эга ва у Катта театрга кириб ишлашни орзу қилади. Аммо унга профессионал тайёргарлик етишмайди ва у машҳур қўшиқчи ва ажойиб педагог Ирина Тарнопольскаядан дарс олади. Тез орада Бахинни Катта театрга қабул қилишади, сўнгра Италияга, «Ла Скала»га тажриба орттиргани юборишади. Бу ерда у зафар қучади.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТВ

пайшанба

28 ИЮНЬ

● МТ I

18.00 «Шахмат мактаби».
18.30 «Экономика: ҳамма... ҳар бир кишининг ... жалик раҳбарларининг ... номиқани бошқаришда... ли ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган бог».
20.00 Футбол бўйича Европа ... пионати. Финал. Франция ... олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 Композитор А. Па... билан учрашув».
23.30 «Дунё воқеалари».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мактаб ўқувчилари ... «Ёз қанақа рангда ...
18.40 «Ёшлик» студияси кўр... «Комсомол прожектор».
19.10 «Амалдаги интернац... лизм». «Ўзбекистон — ... менга». 2-кўрсатув (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун».
20.15 «Шерқўзиевлар ... Телеочерк.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ... лар». В. Холиқулов.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — ... фронт».
22.20 Телетомошабинларнинг ... лабларига бинован, ... сар Берлахнинг сўнгги ... Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

ЖУМА

29 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Сибирь тароналари».
10.10 «Кувноқ стартлар».
10.45 «Рябинадан тотиб ... Фильм-концерт.
11.50 Телефильмлар.
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат ... Илмий-оммабол ...
16.00 «Рус тили».
16.30 Болалар учун ... «4 «а» мушкетёрлари».
17.10 «Подмосковье ... нинг бугуни ва ... ни».
17.40 Спорт гимнастикаси ... курашнинг алоҳида ... бўйича СССР кубоги ... пионати.
18.25 «Инсон ва қонун».
18.55 Мультфильмлар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Телеочерк.
20.40 Буюк ғалабанинг 40 ... гига. «Юлдуз». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм ... ли буюмлар». 2-серия ...
11.25 «Украинада тўй». Кино...
11.30 «Бу разведкада бўлган ...» Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Бир асар тарихи». ... «Қутлуғ қон».
19.10 «Амалдаги интернац... лизм». «Ўзбекистон — ... га». 3-кўрсатув (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли ...» (рус.).
20.15 «Нон — ризқ-рўзимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 Андижон педагогика ... тути дуторчи қизлар ... лининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Тиниб-тинчимаган ... лар». Бадиий фильм.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.15 МТ II

18.10 Кўрсатувлар програм...
18.15 «Абитуриент—84». ... кент Давлат тўқимачилик ... енгил саноат институти.
18.45 «Ёшлик» студияси кўр... ди. «Касбим—фахрим».
19.15 Симфоник куйлардан ... церт.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Бир поғона юқори». ... рочилар ва рационалар... лар кунига бағишлан... кинопрограмма.
21.00 Бутуниттифоқ ўсмирлар ... нослик институтининг ... йиллигига. «Республика тенгдоши» (рус.).
21.30 МТ II

Ўзбекистон Театр ... ва республика ёш томоша... лар театри коллективи... Ўзбекистон ССРда хизмат ... сатган маданият ходими ... ломовага умр йўлдоши Муҳиддин Исамуҳамедов... ИСАМУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги ... билан чуқур таъзия ... қилади.

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — ... шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

28 ИЮНЬ, 1984 й. Р-14087. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11